

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ, ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017. К/В/Т.37.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ

СОТИМОВ ҒАЙРАТ БАХТИЁРОВИЧ

***THERMOPSIS ALTERNIFLORA* ЎСИМЛИГИНИ КОМПЛЕКС
ҚАЙТА ИШЛАШДА АЛКАЛОИДЛАР ВА ФЛАВОНОИДЛАР
АСОСИДА ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИНГ СУБСТАНЦИЯЛАРИНИ
ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.10 – Биоорганик кимё

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Contents of the abstract of doctoral dissertation (DSc)

Сотимов Ғайрат Бахтиёрович

Thermopsis alterniflora ўсимлигини комплекс қайта ишлашда алкалоидлар ва флавоноидлар асосида дори воситаларининг субстанцияларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш 3

Сотимов Ғайрат Бахтиёрович

Разработка технологий производства субстанций препаратов на основе алкалоидов и флавоноидов при комплексной переработке *Thermopsis alterniflora* 27

Sotimov Gayrat Baxtiyorovich

Development of technologies for manufacture of drug substances based on alkaloids and flavonoids at complex processing of *Thermopsis alterniflora* 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 54

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ, ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017. К/В/Т.37.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ

СОТИМОВ ҒАЙРАТ БАХТИЁРОВИЧ

***THERMOPSIS ALTERNIFLORA* ЎСИМЛИГИНИ КОМПЛЕКС ҚАЙТА
ИШЛАШДА АЛКАЛОИДЛАР ВА ФЛАВОНОИДЛАР АСОСИДА ДОРИ
ВОСИТАЛАРИНИНГ СУБСТАНЦИЯЛАРИНИ ОЛИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.10 – Биоорганик кимё

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.DSc/T134 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация ўсимлик моддалари кимёси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.biochem.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Маматханов Ахматхон Умарханович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Арипова Салимахон Ғозиловна
кимё фанлари доктори, профессор

Камилов Хусан Маъсудович
фармацевтика фанлари доктори, профессор

Сагдуллаев Баходир Тохирович
техника фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент фармацевтика институти

Диссертация ҳимояси Биоорганик кимё институти, Ўзбекистон Миллий университети, Ўсимлик моддалари кимёси институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.K/B/T.37.01 рақамли Илмий кенгашининг 2017 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100125, Тошкент ш, Мирзо Улуғбек кўч., 83, Тел. (99871) 262-35-40, факс (99871) 262-70-63.

Диссертация билан Биоорганик кимё институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 83. Тел. 262-35-40, факс (99871) 262-70-63, e-mail: asrarov54@mail.ru.

Диссертация автореферат 2017 йил «__» _____ куни тарқатилди
(2017 йил «__» _____даги рақами реестр баённомаси).

Ш.И. Салихов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, б.ф.д., академик

М.И. Асраров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.д., профессор

А.А. Ахунов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси б.ф.д., профессор

КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё миқёсида доривор ўсимликлардан биологик фаол моддаларни ажратиб олиш ва ишлаб чиқишда янги технологиялардан фойдаланиш ҳамда уларни амалиётга тадбиқ этиш бўйича кўплаб тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Чунки, ўсимлик хом ашёсидан олинган биологик фаол моддалар синтетик дори воситаларига нисбатан инсон организмига зарарли таъсири камлиги, аллергия чақирмаслиги ва энг муҳими табиийлиги учун халқ табobatiда ва тиббиётда турли касалликларни даволашда кенг фойдаланилмоқда.

Ҳозирги кунда жаҳонда доривор ўсимликлардан биологик фаол моддаларни индивидуал ҳолда ажратиш, дори воситалари субстанцияларини олиш, олинган субстанцияларни технологик жараёнларини босқичли назоратини амалга ошириш, биологик фаоллигини аниқлаш ва технологияларини ишлаб чиқиш долзарбдир. Алкалоидлар ва флавоноидлар сақлаган маҳаллий ўсимлик манбалари асосида субстанцияларни ажратиб олишни саноат технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда стандартлаш долзарб мавзулардан ҳисобланади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг мамлакат аҳолисини маҳаллий доривор ўсимликлар асосида ишлаб чиқилган, сифатли дори-дармон билан таъминлаш мақсадида кенг камровли чора тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижалар амалга оширилди, жумладан, маҳаллий доривор ўсимликлар асосида юқори самарадор, импорт ўрнини босувчи препаратларни олиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий қилишга эришилди. Таъкидлаш керакки, *Thermopsis alterniflora* ўсимлигининг етарлича захирага эга бўлишига қарамай, чекишга қарши ва гиполипидемик ҳамда антиатеросклеротик таъсирга дори воситаларини ҳориждан олиб келиниши бугунги кун талабига етарлича жавоб бермайди. Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 4 йўналишида «фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни яхшилаш» юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада *Thermopsis alterniflora* ўсимлигидан олинган тамаки чекишга қарши «Никотинабс» препаратини аналоги «Табекс» ўрнига ҳамда гиполипидемик ва антиатеросклеротик таъсирга эга «Флатерон» препаратини аналоги «Симгал» дори воситаларининг ҳориждан келтирилишини инобатга олиб, ушбу препаратларни олиш ва ишлаб чиқишдаги чиқиндиларидан самарали фойдаланиш, фармацевтика бозорини янги дори турлари билан тўлдиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ-1442-сон «GMP талабларига жавоб берадиган ўсимлик хом ашёларидан оригинал дори воситалари субстанциялари ва ниҳоятда зарур бўлган генерик дори воситалари субстанцияларини яратиш, ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқиш учун акад. С.Ю.Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институти Тажриба ишлаб чиқариш корхонасини модернизация ва реконструкция қилиш» тўғрисидаги ҳамда 2016 йил 16 сентябрдаги ПҚ-2595 сон «2016-2020 йилларда

республикада фармацевтика саноатини янада ривожлантиришни чора тадбирлари дастури тўғрисида» ги Қарорлари ва 2017 йил 7 февралда ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожлантиришнинг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи¹. Алкалоидлар ва флавоноидлар кимёси соҳасидаги изланишлар, уларнинг биологик фаоллигини аниқлаш ҳамда улар асосида янги препаратларни фармацевтика саноатида ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш, тиббиёт амалиётига тадбиқ қилишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Xinjiang technical institute of physics and chemistry, Urumqi (Хитой), University of Porto (Португалия), Department of Pharmacy Practice, Southwestern Oklahoma State University (АҚШ), Умумроссия доривор ва ароматик ўсимликлар институти (Россия), Биоорганик кимё ва Ўсимлик моддалари кимёси институтларида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Ўсимликлар таркибидан алкалоидлар ва флавоноидларни ажратиб олиш, уларни физик-кимёвий таҳлили ва биологик фаоллигини аниқлашга ҳамда улар асосида дори препаратлари яратиш соҳасига оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: ўсимликлардан турли алкалоидлар ажратилган ва структуралари исботланган (Xinjiang technical institute of physics and chemistry, Хитой); флавоноидларни кимёвий тузилиши, биологик фаоллиги ва безарарлиги аниқланган (University of Porto, Португалия); доривор ўсимликларни етиштириш ташкиллаштирилган ҳамда улар асосида самарали дори препаратлари ишлаб чиқилган (Умумроссия доривор ва ароматик ўсимликлар институти, Россия); флавоноид сақловчи гипоазотемик таъсирга эга «Цинарозид» субстанциясининг олиш технологияси ишлаб чиқилган (Ўсимлик моддалари кимёси институти, Ўзбекистон).

Дунёда доривор ўсимликлардан биологик фаол бирикмаларни ажратиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: турли доривор ўсимликлар алкалоидлари ва флавоноидларини ажратиб олиш; янги табиий бирикмаларнинг структурасини ва биологик фаоллигини аниқлаш; самарали дори воситаларини олиш технологияларини ишлаб чиқиш; дори препаратларини стандартлаш ва ишлаб чиқариш.

¹Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи <http://omicsonline.org/scholarly/alkaloids-journals-articles-ppts-list.php>, <http://vilarnii.ru/present/progress> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. *Thermopsis* турига мансуб ўсимликлардан микдор жихатидан кўп алкалоид ва флавоноид сақлаган ҳамда хом ашё захираси саноат миқёсида ишлаб чиқаришга етадиган ҳамда маҳаллий турларидан *Thermopsis alterniflora* ер устки қисмидан алкалоидлар ва флавоноидлар асосида субстанцияларни олиш технологиясини ишлаб чиқиш, технологияни чиқиндисиз ва самарали усуллари топиш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.

Хорижлик олимлар J. Schmidt, G. Adam, K. Merzweiler., W.Brandt, C. Wagner, A. Cordell, P. Begley, F.Roberts, D.Witing, J. Harborne, T. Mabry, K. Markham, M. Thomasлар томонидан ўсимлик хом ашё манбаларидан алкалоидларни ва флавоноидларни ажратиб олиш усуллари ишлаб чиқилган ва биологик фаоллиги аниқлаган.

МДХ мамлакатларида ўсимликлар таркибидан алкалоидларни ва флавоноидларни ажратиб олиш ва биологик фаоллигини ўрганиш бўйича илмий тадқиқот ишларини А.П. Орехов, А.Н. Шацкий, А.Е.Чичибабин, Г.П. Меньшиков, Р.А. Коновалова, М.Н. Запрометов, В.И. Литвиненко, Д.Ю. Корулькин., Г.А Толстиковлар томонидан амалга оширилган. Хинолизидин алкалоидларини систематик ўрганишда А.П. Орехов мактаби олимлари чуқур изланишларни амалга оширган.

Ўзбекистонда алкалоид сақловчи ўсимлик турларини излаб топиш, индивидуал бирикмаларни ажратиб олиш, кимёвий тузилишини исботлаш ва биологик фаоллигини аниқлашда С.Ю.Юнусов, А.С. Садыков, С.И. Искандаров, Т.Т. Шакиров, К.А.Сабиров, Г.П. Сидякин, Х.А. Асланов, В.И.Виноградоваларнинг хизматлари катта. *Thermopsis alterniflora* ўсимлигини таркибидаги флавоноидларни кимёвий тузилиши ва биологик фаоллигини аниқлашда Ўсимлик моддалари кимёси институти олимлари: Г.К. Никонов ва Н.Ш. Каттаев, М.П. Юлдашев, Э.Х. Батиров, В.Н. Сыров ва З.А.Хушбактовалар ўз ҳиссасаларини қўшган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўсимлик моддалари кимёси институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИФА-2012-6-5 «Цитизин субстанциясини ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш» (2012-2013), И6-ФА-Т008 «Флатерон субстанциясини ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш» (2016-2017) мавзусида инновация лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади *Thermopsis alterniflora* ўсимлигини ер устки қисмидан цитизин, N-метилцитизин, термопсин алкалоидлари ва флатерон, формонетин флавоноидларини кетма-кетликда ажратиб олишнинг рационал технологиясни яратиш ҳамда *Thermopsis alterniflora* ўсимлигини стандартлаш ва ишлаб чиқариш чиқиндиларини қайта ишлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Thermopsis alterniflora ўсимлигидан алкалоидлар ва флавоноидлар ажратиб олишда сувли-спиртли экстракция жараёнининг мўътадил шароитларини аниқлаш;

экстракция ҳамда тозалаш жараёнларини Бокс-Уилсон ва лотин квадраталари усулларида мўътадил шароитларини аниқлаш;

цитизин алкалоидини олиш технологиясини такомиллаштириш;

Thermopsis alterniflora ўсимлигининг ер устки қисмини комплекс қайта ишлашда цитизин, N-метилцитизин, термопсин ва флатеронларни кетма-кетликда ажратиб олиш мақсадида рационал технологияни ишлаб чиқиш ҳамда ишлаб чиқаришдаги чиқиндиларни қайта ишлаш;

цитизин ва флатерон субстанцияларни ишлаб чиқаришнинг босқичма босқич назорати услубларини ишлаб чиқиш;

флатерон препаратини стандартлаш учун формононетин стандарти намунасини олиш технологиясини ишлаб чиқиш;

цитизин ва флатерон препаратлари учун меъёрий техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тиббиёт амалиётига тадбиқ қилиш;

олинган натижалар асосида Ўсимлик моддалари кимёси институти қошидаги Тажриба ишлаб чиқариш корхонасида *Thermopsis alterniflora* ўсимлигидан субстанцияларни олиш технологик тизимини ўрнатиш;

тамаки чекишга қарши «Никотинабс» препарати асоси бўлган цитизин субстанциясини ва гипополидемик ҳамда антиатеросклеротик таъсирга эга флатерон препаратини саноат миқёсида ишлаб чиқариш.

Тадқиқот объекти сифатида Ўзбекистонда ўсадиган *Thermopsis alterniflora* доривор ўсимлигидан ажратилган алкалоидлар ва флавоноидлар олинган.

Тадқиқот предмети алкалоидлар ва флавоноидларни физик-кимёвий хоссалари, биологик фаоллиги, хом ашё, субстанция ва дори шакллари стандартлаштириш, субстанциялар олиш технологиясини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда алкалоидлар ва флавоноидларни ажратиб олиш ва тозалаш учун қаттиқ жисм-суюқлик, суюқлик-суюқлик экстракциялаш, колонкали хроматография ва кристаллаш усулларидан фойдаланилди. Олинган субстанцияларни кимёвий хоссаларини аниқлаш учун физик-кимёвий тадқиқот усуллари: юқори самарадор суюқлик хроматографияси, ультрабинафша ва инфрақизил спектроскопия қўлланилди. Технологик жараёнларни оптималлаш учун Бокс-Уилсоннинг тажрибаларни математик режалаштириш усули ва лотин квадратлар усулнинг 3x3 режаси қўлланилди. Дори воситаларини сифатини ва миқдорини назорат қилиш ва стандартлаштириш учун амалий фармакопея усулларидан фойдаланилди.

Диссертация тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Thermopsis alterniflora ўсимлигининг ер устки қисми стандартланган ҳамда фармацевтика саноатида доривор ўсимлик хом ашёси сифатида фойдаланиш мумкинлиги асосланган;

Thermopsis alterniflora алкалоидларини муҳити рН ни ўзгариши ҳисобига ажратиб олиш усули ишлаб чиқилган, бунда рН 5 гача термопсин, рН 5-7 да N-метилцитизин, рН 10-12 да эса цитизин алкалоидлари ажралиб чиқиши аниқланган ва алкалоидлар йиғиндисидан цитизин олиш технологияси такомиллаштирилган;

цитизин ва флатерон субстанцияларини олишда босқичли назоратни амалга ошириш имконини берадиган юқори самарадор суюқлик хроматография ҳамда спектрофотометрия услублари ишлаб чиқилган;

Thermopsis alterniflora флавоноидлари йиғиндисидан формононетин стандарти ажратиб олиш технологияси ишлаб чиқилган ва флатерон препаратини ушбу стандарт асосида стандартланган;

Thermopsis alterniflora ер устки қисмидан ягона технологик тизимда термопсин, N-метилцитизин, цитизин ва флатерон субстанцияларини олишни рационал технологияси ишлаб чиқилган ҳамда жараён чиқиндиси шротдан пектин моддалари ва ферментли гидролиз маҳсулоти (биоёқилғи) олинган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

цитизин ва флатерон субстанцияларини саноат миқёсида ишлаб чиқариш технологиялари яратилган;

Ўсимлик моддалари кимёси институти Тажриба ишлаб чиқариш корхонасида цитизин ва флатерон препаратларини олишни технологик линияси ташкиллаштирилган ва серияли ишлаб чиқариш йўлга қўйилган;

ишлаб чиқилган тегишли барча меъёрий техник хужжатларни Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартизацияси давлат маркази томонидан тасдиқланган: ВФМ 42 Ўз-2725-2015 «Ketma-ket gulli *Thermopsis oti*»; ВФМ 42 Ўз-2728-2015 «Flateron tabletkalar 0,1g»; ВФМ 42 Ўз-2726-2015 «Formononetin - standart namuna»; ПР 42 Ўз-03873/03535440-1148-2010 «Цитизин субстанцияси ишлаб чиқаришни саноат регламенти».

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги уларнинг замонавий физик-кимёвий ва технологик усулларни қўллаш орқали олинганлиги билан тасдиқланади. Олинган натижаларнинг исботи мутахассисларнинг эксперт баҳолари, тадқиқот натижалари амалга оширилиши, уларнинг республика ва халқаро анжуманлардаги муҳокамаси, натижалар рецензияланган илмий нашрларда чоп этилиши ва патентлар олиниши ҳамда таклиф қилинаётган технологияни ишлаб чиқаришга тадбиқ қилиниши ва уларнинг меъёрий техник хужжатларини тегишли Давлат ташкилотларидан тасдиқлатишда апробациядан ўтганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, алкалоидлар йиғиндисидан рН муҳитини ўзгариши ҳисобига термопсин, N-метилцитизин ҳамда цитизин алкалоидларини ажратиб олиш усули ишлаб чиқилди ва цитизин олиш технологияси такомиллаштирилди. Бунинг натижасида *Thermopsis alterniflora* ўсимлигини ер устки қисмини комплекс қайта ишлашда унинг алкалоидлари ва флавоноидлари асосида препаратлар субстанцияларини ишлаб чиқаришни рационал технологияси яратилди. Диссертация иши натижалари Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида ўсимликлардан алкалоидлар ва флавоноидлар ажратиб олиш технологияси соҳасидаги янги изланишларни такомиллаштиришда фойдаланиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, цитизин субстанцияси асосида тамаки чекишга қарши «Никотинабс» препарати ва

гиполипидемик ҳамда антиатеросклеротик таъсирга эга флатерон препарати яратилган, ўсимликдан ушбу препаратларни субстанцияларини олиш технологияси ишлаб чиқилган, республика аҳолисини маҳаллий хом ашёдан олинган дори воситаларига бўлган эҳтиёжини қондириш учун хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. *Thermopsis alterniflora* ўсимлигининг таркибидаги биологик фаол моддалардан дори воситалари субстанцияларини ажратиб олиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

цитизин олиш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (22.07.2008, № IAP 04187). Илмий тадқиқот натижаси фармацевтикада тамаки чекишга қарши препарат ишлаб чиқиш имконини берган;

«Цитизин» субстанцияси учун Фармакопоя мақоласи ишлаб чиқилган ҳамда Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартизацияси давлат маркази томонидан тасдиқланган (ФМ 42 Ўз-1403-2017, 09/158/3 – сон гувоҳномаси). Натижада ушбу субстанциянинг саноат миқёсида ишлаб чиқарилиши нафас аналептиги дори воситаларини локализация қилиш имконини берган;

«Флатерон» субстанциясига Вақтинчалик Фармакопоя мақоласи ишлаб чиқилган ҳамда Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартизацияси давлат маркази томонидан тасдиқланган (ВФМ 42 Ўз-2727-2015, 00199/07/15-сон гувоҳномаси). Натижада яратилган препаратнинг республикада шу турдаги дори воситаларининг импорт ўрнини босиш имконини берган;

тамаки чекишга қарши «Никотинабс» таблеткалари ишлаб чиқаришда «Nobel Pharmsanoat» корхонасига жорий этилган («Ўзфармсаноат» АЖнинг 2017 йил 3 ноябрдаги МД-06/3074-сон маълумотномаси). Натижада ушбу препаратнинг ишлаб чиқарилиши «Табекс» («Софарма», Болгария) дори воситасини республикамизга импортини камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация иши тадқиқот натижалари 11 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 40 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 9 таси республика журналларда нашр этилган ва 2 та патент олинган ҳамда 1 та патент учун ариза берилган. Тегишли меъёрий техник ҳужжатлар тасдиқланган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертация ҳажми 173 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожлантиришининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Алкалоидлар ва флавоноидларни ўсимликлар таркибидан ажратиш олиш усуллари ва уларнинг биологик хоссалари**» деб номланган биринчи бобида *Thermopsis* турига мансуб ўсимликларнинг тарқалиши ва таркиби адабиётларда келтирилган маълумотлар асосида тавсифлаб берилган. Ўсимликлар дунёсида тарқалган алкалоидлар ва флавоноидларни классификацияси, уларнинг биологик фаоллиги ва олиниш усуллари тавсифланади. Шунингдек алкалоидлар ва флавоноидларни тузилиши ва улар асосидаги препаратлар тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Ишнинг асосий мазмуни ва танланган объектлар қисқача изоҳланган.

Диссертациянинг «***Thermopsis alterniflora* ўсимлигининг тарқалиши ва хом ашё захираси**» деб номланган иккинчи бобда объектнинг умумий характеристикаси ва тадқиқот материаллари келтирилган. *Thermopsis alterniflora* ўсимлигининг тарқалиши, хом ашё захираси, кимёвий таркиби ва табиббӣётда қўлланилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «***Thermopsis alterniflora* ўсимлигини ер устки қисмидан алкалоидлар йиғиндисини ажратиш олиш технологиясини ишлаб чиқиш**» деб номланган учинчи бобида амалга оширилган ишлар натижалари муҳокама қилинган.

Thermopsis alterniflora ўсимлигининг ер устки қисмидан цитизин, N-метилцитизин, термопсин алкалоидлари ва флатерон, формонетин флавоноидлари асосидаги субстанциялари ажратиш олишнинг иқтисодий самарали технологиясини ишлаб чиқиш мақсадида, иккала синф бирикмаларини биргаликда экстракция қилиб, кейинчалик чўктириш усули орқали бир-биридан ажратишни амалга оширдик. Бунда юқори тозалikka эга маҳсулот олиш учун алкалоидлар ва флавоноидларни тозалашнинг анъанавий усулларида ҳам фойдаландик. Алкалоидлар ва флавоноидларни ажратиш олишнинг технологик жараёнини ишлаб чиқишда қуйидаги йўналишларда илмий изланишлар олиб борилди:

1. Хом ашёдаги иккала синф бирикмаларини алоҳида экстракция қилиш:
 - а) алкалоидлар йиғиндисини; б) флавоноидлар йиғиндисини.
2. Хом ашёдаги иккала синф бирикмаларини биргаликда экстракция қилиш ҳамда экстрактдан алкалоидларни ва флавоноидларни алоҳида ажратиш олиш.
3. Формонетин стандарти наъмунасини ажратиш олиш ва флатерон препаратини стандартлаш.

Цитизин субстанцияси ($C_{11}H_{14}N_2O$), суюқланиш ҳарорати $155^{\circ}C$ га эга алкалоид бўлиб, 99,0% дан кам бўлмаган тозалikka эга индивидуал кристалл модда, тиббиёт амалиётида нафас анализига сифатида қўлланилади. Цитизин ЎЗР ССВ нинг 2009 йил 25 майдаги №158 буйруғи асосида тиббиёт амалиётида фойдаланишга рухсат берилган ҳамда 26.04.2014 йилдаги 09/158/3 сонли қайд этиш гувоҳномасига эга. ФС 42 Ўз - 1403 - 2017 талабларига мос равишда ишлаб чиқарилади ва уни ажратиш олиш технологияси Ўзбекистон Республикасини патенти (№ IAP 04187) билан ҳимояланган.

Thermopsis alterniflora ўсимлигининг ер устки қисмидан алкалоидлар йиғиндисини самарали ажратиш олиш мақсадида эритувчини концентрацияси, хом ашёнинг майдалик даражаси, жараёни олиб бориш ҳарорати ва динамикаси каби омилларнинг кўрсаткичлари ўрганилди (1-жадвал).

1-жадвал

Thermopsis alterniflora ўсимлигидан алкалоидлар йиғиндисини экстракциясига таъсир қилувчи омилларнинг кўрсаткичлари

Омиллар	Бирли- ги	Ўрганилган омилларни даражаси	Мўътадил шароитда
Майдалик даражаси	мм	майдаланмаган, 0,5-1; 1-3; 3-5; 5-7; 8-10	5-7
Этил спиртининг концентрацияси	%	60, 70, 80, 90, 95	80
Ҳарорат	$^{\circ}C$	20, 30, 50, 70	20
Ажратмалар сони		1, 2, 3, 4, 5, 6	5
Экстракция вақти	Соат		
1		1 - 6	5
2		1 - 4	3
3		1 - 3	2
4		1 - 2	1
5		1 - 1	1

1-жадвалда келтирилган натижалар асосида белгиландики, *Thermopsis alterniflora* ўсимлигини ер устки қисмидан алкалоидлар йиғиндисини самарали ажратиш олиш учун экстракцияни майдалик даражаси 5-7 мм бўлган хом ашёни 80% ли этил спиртида, $20^{\circ}C$ ҳарорат остида олиб бориш лозим.

Экстракция жараёнининг оптимал шароитини аниқлаш мақсадида Бокс-Уилсон усулида математик режалаштириш амалга оширилди.

Тўлақонли ахборот олиш мақсадида танланган омиллар белгилаб олинди:

X_1 – этил спиртининг концентрацияси; X_2 – хом ашёнинг майдалик даражаси; X_3 – жараёнинг бориш вақти; X_4 – жараёнинг бориш ҳарорати. Режалаштириш кўрсаткичи (Y) сифатида алкалоидлар йиғиндисининг фазалар биринчи таъсири вақтидаги унуми олинди.

Тажриба натижаларининг математик таҳлилидан кейинги регрессия тенгламаси қуйидагича кўриниш олди:

$$Y = 4,38 + 7,35 X_1 + 0,76 X_2 + 4,46 X_3 + 2,42 X_4$$

Омиллар таъсир кучи бўйича қуйидагича кўриниш олади: $X_1 > X_3 > X_4 > X_2$.

Экстракция жараёни динамикасини ўрганиш шуни кўрсатдики, биринчи экстракт қуйиб олиш муддати 5 соат, иккинчиси – 3, учинчиси – 2, тўртинчи ва бешинчиси – 1 соатдан кам бўлмаслиги керак. Тўрт марта экстракция қилинганда экстракция йиғиндиси 97,1% ни ташкил қилди. Юқоридагиларни инобатга олиб, *Thermopsis alterniflora* ўсимлиги ер устки қисмидан алкалоидлар йиғиндисининг экстракциясини беш марта амалга ошириш кераклиги аниқланди.

Тажрибалар натижалари асосида *Thermopsis alterniflora* ўсимлиги ер устки қисмидан цитизин субстанцияси олиш технологияси ишлаб чиқилди (1-расм). Мазкур технология Институтнинг тажриба ишлаб чиқариш қорхонасида амалиётга тадбиқ этилди.

Цитизин субстанциясини олиш учун хавода қуритилган, таркибида 8% намлик сақлаган 52,5 кг хом ашё тарози (КП-2) да тортилади ва болғачали майдалагич (РМ-1) да майдаланади. Майдалик даражаси 5 мм бўлган, таркибида 0,7% цитизин сақлаган, 50 кг *Thermopsis alterniflora* ер устки қисми экстрактор (Р-3) га жойланади ва ўлчагич (М-7) дан 302,0 л 80% ли этил спирти қуйилади. Алкалоидлар йиғиндисини ажратиб олиш хона шароитида, 6-8 соат тиндирилган ҳолда беш марта олиб борилади. Жараённинг гидромодули 1:6. Олинган ажратмалар нутч-фильтр (Ф-9) орқали ўтказилди ва йиғувчи идиш (Сб-10) га солинди.


Қўшимча тарзда олтинчи экстракт олинади ва у йиғувчи идиш (Сб-13) орқали кейинги янги экстракция жараёнини бошлаш учун ишлатилади. 1175,0 л миқдордаги йиғилган барча экстрактлар 20-25 л дан вакуумли буғлатиш жихозига (Р-15) юборилади ва 0,04-0,08 МПа вакуум остида, 45-55⁰С ҳароратда буғлатилади. Ҳайдалган спирт йиғич идишга (Сб-12) йиғилади, қайта ишлатиш учун ўлчагичга (М-7) юборилади.

Қуюлтирилган экстракт сув билан 20,0 л гача суюлтирилади ва реактор (Р-18) да 1,073 л 5% ли сульфат кислотаси билан кислотали муҳитга келтирилади. Бунда фенол бирикмалари чўкмага тушади.

Таркибида 3,08% цитизин сақлаган 20,19 л миқдоридаги алкалоидлар йиғиндиси сувли эритмаси алкалоидларни ажратиб олиш учун ажратгич идиш (Р-21) га юборилади. Алкалоидларни сувли эритмаси (Р-21) да хлороформли экстракция қилинади.

Хлороформли экстрактни вакуум-буғлатиш жихози (Р-22) да таркибидаги хлороформи ҳайдалади ва 1 кг миқдоридаги алкалоидлар йиғиндиси олинади.

1 кг миқдоридаги таркибида 0,31% цитизин сақлаган алкалоидлар йиғиндиси 6 л спиртда эритилади ва кристаллизатор (К-25) га қуйилади.



РМ-1 – майдалагич, КП-2 – тарози, М-7 – ўлчагич, Р-3 – экстрактор, С6-10, С6-12, С6-13 – йиғувчи идиш, Р1-5, Р-22 – вакуум - буғлатиш жихози, Р-18, Р-21, Р-27 – ажратиш идиши, К-25 – кристаллизатор, Ф-9, Ф-20, Ф-26, Ф-32, Ф-34 – нутч-фильтр, Р-28 – роторли буғлатгич, К-30; К-33 – йиғувчи идиш, Б-31 – сув ҳаммоми, СШ-35 – куригиш шкафи.

1-расм. Цитизин субстанцииясини ишлаб чиқариш технологик тизимининг жихозли чизмаси.

Унга секин аралаштириб турган ҳолда рН кўрсаткичи 4-5 гача 0,5 л нитрат кислотаси қуйилади ва цитизин нитрат тўлиқ чўкиши учун 10-12 соатга қолдирилади. Чўккан цитизин нитрат нутч-фильтр (Ф-26) да ажратилади, ҳавода қуригилади ва тортилади. Бунда таркибида 42,8% асосий модда сақлаган 0,7 кг цитизин нитрат олинади ва техник цитизин олишга юборилади.

Олинган 0,7 кг цитизин нитрат 1,3 л сувда эритилади ва реактор (Р-27) га солинади ҳамда 100 гр NaOH эритмаси билан рН кўрсаткичи 10-12 гача ишқорланади. 2 л ҳажмдаги ишқорли эритма эса (Р-27) да 1,5 л миқдоридаги хлороформ билан 8-10 марта экстракция қилинади. Олинган хлороформли эритмани роторли буғлатгич (Р-28) жихозида 50-60°C ҳароратда 0,04-0,08 МПа вакуум остида буғлатилади. Ҳайдалган 12,2л хлороформ қайта ишлатиш учун юборилади. Хлороформ ҳайдалгандан кейинги қолган куб қолдиқ 0,5л ацетонда эритилади ва кристаллизатор (К-30) га қуйилади.

Цитизин кристаллари тўлиқ чўккандан кейин нутч-фильтр (Ф-32) да ажратилади ва ҳавода қуригилади. 0,52 л (0,49 кг) миқдоридаги фильтратдан эса ацетон ажратиб олинади. Таркибида 90% цитизин сақлаган 0,31 кг техник цитизинни тоза цитизин олишга юборилади.

Қуритилган техник цитизин тез бузилмайдиган ярим тайёр маҳсулот бўлиб, ёпиқ идишда ёруғли нуридан ҳимояланган жойда уч ойгача ўз сифатини йўқотмаган ҳолда сақланиш мумкин.

0,31 кг техник цитизин 4,5 л ацетонда эритилади ҳамда сув ҳаммоми (Б-31) да цитизин тўлиқ эригунча қайнатилади, кейин 0,02 кг фаоллаштирилган кўмир кўшиб яна 10-15 минут қайнатилди.

Эритмани иссиқ ҳолатда нутч-фильтр (Ф-32) да фильтрланади, фильтрат кристаллизатор (К-33) га қуйилади. Цитизин кристаллари тўлиқ чўккандан кейин нутч-фильтр (Ф-34) ёрдамида ажратилади ва қуриштиш шкафи (СШ-35) да 60-70°C ҳароратда қуригилади.

Қуритилган тайёр маҳсулот элакдан ўтказилиб, ФМ 1403-2017 Фармакопёя мақоласи талабларига мослигини текшириш учун таҳлил қилишга берилади. Натижада таркибида 99,39% цитизин сақлаган оқ сарғиш рангли, 0,27 кг миқдоридаги кукун ҳолидаги тайёр маҳсулот олинади.


Цитизин субстанцияси асосида «Nobel Pharmsanoat» чет эл фармацевтика корхонаси билан ҳамкорликда чекишга қарши «Никотинабс» (1,5мг қобик билан ўралган таблетка ҳолида) дори воситаси ишлаб чиқилган.

«Никотинабс» препаратини ўткир заҳарлилиги ва никотинга қарши таъсирини «Табекс» (Софарма, Болгария) препарати билан биоэквивалент таққослаганда бир хилда эканлиги аниқланган.

Цитизин ишлаб чиқариш жараёнини босқичма-босқич назорати ЮССХ усулида М.Р.Якубова билан ҳамкорликда олиб борилди. Бунда Zorbax Eclipse – C18, 3x150мм, 3,5 мкм (Agilent Technologies) маркали колонкага эга, тўрт элюент насосли Agilent LC 1100 маркали хроматографдан фойдаланилди. УБ детекторининг 308 нм тўлқин узунлигида цитизин аниқланди.

Ўсимлик моддалари кимёси институти Тажриба ишлаб чиқариш корхонасида ушбу технология асосида цитизин ишлаб чиқариш учун йилига ўн тонналаб *Thermopsis alterniflora* ўсимлиги қайта ишланади. Алкалоидлар

N-метилцитизин юқори биологик фаолликни намоён қилади, шунинг учун бу алкалоид тиббиёт амалиёти учун самарали ҳисобланади. Шуни назарда тутган ҳолда ушбу ўсимлик хом ашёсидан цитизин билан биргаликда N-метилцитизин алкалоидини ягона технологияда олишнинг саноат технологиясини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу технологик жараён қуйидагича такомиллаштирилди (2-расм).



Аввлги таклиф қилинган технологияда ёт моддаларни хлороформли
тмадан тозаланган бўлса, ушбу технологияда эса кислотали шароитга
тирилган сувли ажралмада олиб борилди. Цитизинни алкалоидлар
гиндисидан нитрат тузига ўтказиб олиш босқичи ўрнига, уни алкалоидлар
гиндисидан асослилиқ кучига қараб, рН 5,0 гача термопсин, рН 7,0 гача N-

метилцитизин ва рН 10-12 да цитизинли фракцияларга тенг бўлиш усулида ажратиб олиш таклиф қилинди. Технологияни кейинги босқичлари юқорида келтирилган технологик жараён бўйича олиб борилади.

Бунинг учун *Thermopsis alterniflora* ўсимлиги ер устки қисмини 80% ли этил спиртида экстракция қилиниб, қуюлтирилади. Қуюлтирилган экстрактни сувли қисмида тенг миқдорда цитизин ва N-метилцитизин ҳамда бошқа алкалоидлар бўлади, флавоноидлар йиғиндиси эса чўкма ҳолида бўлади. Биз кўрсатилган алкалоидларни асослилиқ даражаси бўйича рН 5 дан 12 гача оралиқда суюқлик-суюқлик экстракцияси усулида ажратишни ўргандик. Натижалар шуни кўрсатдики, асослилиқ даражаси рН 5 гача термопсин алкалоиди ажратилди; асослилиқ даражаси рН 5 дан 7 гача N-метилцитизин алкалоиди ажратилди; асослилиқ даражаси рН 10 дан 12 гача цитизин ажратилди. Олинган ушбу маълумотлар асосида алкалоидларни асослилиқ даражаси рН ўзгариши бўйича ажратиш усули ишлаб чиқилди. Бу усулдан фойдаланиш натижасида алкалоидлар ажратишнинг технологик жараёнида цитизин нитратни олиш босқичи камайди.

N-метилцитизин алкалоидини ажратиб олиш учун 25 кг майдаланган *Thermopsis alterniflora* ер устки қисмидан (намлиги 8%, 6 мм майдалиқдаги) тортиб олиниб, экстракторга солинади. Экстракторга олдинги экстракциялашда олинган 121,4 л олтинчи экстрактни ва 80% ли спиртдан солинади ва бир кунга қолдирилади. Олинган сув-спиртли экстракт филтрланади ва йиғичга йиғилади. Кейин экстракторга яна 80% ли спиртдан қуйилади ва бештагача экстракция давом эттирилади. Бунда алкалоидлар йиғиндисининг 588,5 л сув-спиртли экстракти олинади, филтрланади ва кейинги босқичга берилади.

80% этил спиртида хом ашёдан алкалоидлар йиғиндисини ажратишни олтинчи экстракти олдинги бешта экстракт олиш сингари олиб борилади. 121,4 л ҳажмдаги олинган олтинчи экстракт йиғичга йиғилади ва кейинги экстракция жараёни учун ишлатилади.

Олтинчи экстрактдан кейин шрот таркибидаги спиртни ҳайдаш мақсадида экстракторга буғ берилади ва 80-85⁰С ҳароратга етказилади, бунда 25,6 л 80% ли спирт олинади ҳамда такрор ишлатиш учун ўлчагичга йўналтирилади.

Қуруқ хом ашёга ҳисоблаганда таркибида 0,01% дан цитизин ва N-метилцитизин сақлаган 6% намликка эга 20,5 кг миқдордаги шрот спирти ҳайдалгандан кейин, экстракторнинг пастки қисмидан аравачага туширилади.

588,5 л миқдоридаги алкалоидларни спиртли экстракти йиғичдан 10-15 л дан вакуум циркуляцион аппаратга берилади.

Спиртни ҳайдаш 40-50⁰С ҳароратда, 0,04-0,08 МПа вакуум шароитида олиб борилиб, бунда 80% ли 568,5 л миқдоридаги ҳайдалган спирт йиғичга йиғилди ва хом ашёни экстракциясига ишлатилади. 5,2 л ҳажмдаги олинган сувли экстракт муҳити рН-4 гача 5% сульфат кислота билан кислотали шароитга келтирилади ва бир суткага қолдирилади. Бунда чўкмага тушган 2,1 кг миқдоридаги фенол бирикмалари декантация йўли билан сувли қисмдан ажратилади.

Шундан кейин олинган сувли қисм хлороформ билан экстракция қилинади ва таркибида термопсин, пахикарпин ҳамда бошқа алкалоидлар аралашмаси сақлаган эритма олинади.

Кейин эса тозаланган сувли қисм муҳитини NaOH билан pH-5 гача келтирилади ва хлороформ билан экстракция қилганда техник термопсин ҳамда кам миқдорда пахикарпин сақлаган эритма олинади, бу эритмани ацетонда қайта кристаллаб термопсин алкалоиди олинади.

Термопсин алкалоиди ажратиб олингандан кейин сувли экстракт яна NaOH билан pH-7 гача келтирилади ва хлороформ билан экстракция қилганда техник N-метилцитизин сақлаган эритма олинади, бу эритмани бензинда қайта кристаллаб N-метилцитизин алкалоиди олинади.

N-метилцитизин алкалоиди ажратиб олингандан кейин сувли экстракт яна NaOH билан pH 10-12 гача келтирилади ва хлороформ билан экстракция қилганда техник цитизин сақлаган эритма олинади, бу эритмани этил спиртида қайта кристаллаб цитизин алкалоиди олинади.

Ушбу таклиф қилинган усули Ўсимлик моддалари кимёси институтининг Тажриба ишлаб чиқариш бўлимидаги жихозларда синовдан ўтказилди.

Фармакологик ва токсикологик изланишлар учун етарли миқдордаги N-метилцитизин ушбу усулда ажратиб олинди.

Диссертациянинг «*Thermopsis alterniflora* ўсимлигининг ер устки қисмидан флавоноидлар йиғиндисини олиш технологиясини ишлаб чиқиш» деб номланган тўртинчи бобда *Thermopsis alterniflora* ўсимлиги ер устки қисмидан флавоноидлар йиғиндисини ажратиб олиш технологиясини ишлаб чиқишда олинган натижалар муҳокама қилинган.


Экстракция жараёнини мўътадил муҳитини аниқлаш мақсадида *Thermopsis alterniflora* ўсимлигини ер устки қисмидан олинган флавоноидлар йиғиндисининг кимёвий таркибини ўрганилди. Бунда флавоноидлар йиғиндисини 83-85% ни ташкил этиб, шундан флавоноидлар йиғиндисини лютеолин (стандарти) га нисбатан $45,25 \pm 1,02\%$ ва изофлавоноидлар формонетин (стандарти) га нисбатан $39,87 \pm 0,76\%$ ни ташкил этади.

Формонетин

Эмпирик формуласи - $C_{16}H_{12}O_4$

Молекуляр массаси - 268,88

Структура формуласи:




Лютеолин

Эмпирик формуласи - $C_{15}H_{10}O_6$

Молекуляр массаси - 286,65

Структура формуласи:



Thermopsis altherniflora ўсимлигининг ер устки қисмидан флавоноидлар йиғиндисини самарали ажратиб олишда экстракция жараёнига таъсир қилувчи омиллар ўрганилди. Бунинг учун 0,1 кг дан хом ашёни ҳар хил

майдаликда (0,5-1; 1-3; 3-5; 5-7 ва 8-10 мм) ва турлича ҳароратда (20 °С, 40 °С, 60°С) экстракция амалага оширилди ва майдалик даражаси 5-7 мм бўлган хом ашёни 80% ли этил спиртида, 20±5°С ҳароратда олиб бориш лозимлиги аниқланди.

Thermopsis altherniflora ўсимлигидан флавоноидлар йиғиндисини олишда экстракция жараёнини Бокс-Уилсон усулида математик режалаштириш амалга оширилди.


Тўлақонли ахборот олиш мақсадида танлангин омиллар белгилаб олинди:

X_1 – этил спиртининг концентрацияси; X_2 – хом ашёнинг майдалик даражаси; X_3 – жараённинг бориш вақти; X_4 – жараён ҳарорати. Режалаштириш кўрсаткичи (Y) сифатида флавоноидлар йиғиндисини биринчи фазалар таъсири вақтидаги йиғиндии олинди. Тажриба натижаларининг математик таҳлилидан кейинги регрессия тенгламаси қуйидагича кўриниш олди:

$$Y = 32,83X_0 + 3,63X_1 + 2,52X_2 + 2,57X_3 + 0,11X_4 - 2,51X_5$$

Омиллар таъсир кучи бўйича қуйидагича кўриниш олди: этил спиртининг концентрацияси > жараённинг бориш вақти > жараён ҳарорати > хом ашёнинг майдалик даражаси.

Экстракция жараёнининг динамикасини ўрганиш шуни кўрсатдики (3-расм), биринчи экстракт қуйиб олиш муддати 5 соат, иккинчиси – 3, учинчиси ва бешинчилари – 1 соатдан кам бўлмаслиги керак. Беш марта экстракция қилинганда экстракция йиғиндии 93% ни ташкил қилди. Юқоридагиларни инобатга олиб, *Thermopsis alterniflora* ўсимлиги ер устки қисмидан флавоноидлар йиғиндисининг экстракциясини беш марта амалга ошириш кераклиги аниқланди.



3-расм. Флавоноидлар йиғиндисининг концентрациясининг вақт бўйича ўзгариши

Олиб борилган изланишлар натижасида *Thermopsis altherniflora* ўсимлигини ер устки қисмидан флавоноидлар йиғиндисидан иборат «Флатерон» субстанциясини олиш технологияси ишлаб чиқилди.

Ушбу технология асосида Ўсимлик моддалари кимёси институти Тажриба ишлаб чиқариш бўлимида «Флатерон» субстанциясини серияли ишлаб чиқариш ташкиллаштирилди ва субстанция «Nikafarm» фармацевтика корхонасига етказиб берилди. Республика ихтисослаштирилган кардиология марказида «Флатерон» препаратидан статинларни кўтара олмайдиган ностабил стенокардияни даволашда фойдаланилди ва Ўзбекистон Республикасини патенти (№ IAP 05419) олинди.

Диссертациянинг «**Формононетин стандарти ажратиб олиш технологиясини ишлаб чиқиш**» деб номланган бешинчи бобда формононетин стандарти олиш технологиясини ишлаб чиқишдаги натижалар келтирилган.

Формононетинни нур ютиш кўрсаткичи ($E_1^{1\% \text{ см}}$) 858 га тенг бўлиб, бу эса уни стандарт намуна сифатида фойдаланиш мумкинлигини кўрсатади. «Флатерон» субстанцияси таркибидаги флавоноидлар йиғиндиси формононетин стандартига нисбатан 70% дан кам бўлмаслиги керак. Формононетин флавоноиди суммада асосий (доминанти) ҳисобланади, шунинг учун уни стандарт намуна сифатида танланди ва ажратиб олишни технологияси ишлаб чиқилди.

Формононетин (7-гидрокси-4'-метоксигидрофлаван) - *Thermopsis altherniflora* ўсимлигидан олинган флавоноид бўлиб, флатерон препаратини микдорий таҳлилида стандарт намуна сифатида кулланилади.

Унинг ПМР-спектрида (100 МГц, C_5D_5N , м.у, J/гц) протон сигналлари 3,56 да (3H, с, OCH_3), 6,98 (2H, д, $J=9.0$, H-3', H-5'), 7,06 (1H. уш. с, H-8), 7,15 (1H. дд, $J=9.0$ и $J=2.0$, H-6), 7,70 (2H, д, $J=9.0$, H-2', H-6'), 8,12 (1H, с, H-2), 8,42 (1H, д, $J=9.0$, H-5).

Олиб борилган изланишлар натижасида *Thermopsis altherniflora* ўсимлиги ер устки қисмидан формононетин олиш технологияси ишлаб чиқилди.

Технологик жараён қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

Thermopsis altherniflora ўсимлигини ер устки қисмини майдалаш;

хом ашёни сув билан экстракция қилиш;

экстрактни қуритиш;

хлороформ билан экстракция қилиш;

хлороформли экстрактни қуритиш;

формононетинни хроматографик тозалаш;

элюатни қуюлтириш;

техник формононетинни метанолда кристаллаш;

филтрлаш ва қуритиш.

Формононетин стандартини олиниши қуйидагича бўлади: *Thermopsis altherniflora* ўсимлигини ер устки қисми (3,5кг) аввал сув билан 5 марта экстракция қилинади ва хом ашё қуритилгандан кейин эса хлороформ билан 8 марта экстракция қилинади. Олинган барча хлороформли экстрактлар қуюлтирилади, бунда 130 г. куруқ қолдиқ олинади.

Хлороформли экстрактга флавоноидлар билан биргаликда ёт моддалар - органик кислоталар, хлорофиллар ва бошқа қўшимча моддалар ўтиши мумкин. Шунинг учун флавоноидлар йиғиндисидан формонетинни ажратиш олиш учун силикагелда моддалар ажратишнинг хроматография усули қўлланилди.

Бунинг учун куруқ қолдиқ (130,0 г) ўлчами (6смх120см) бўлган силикагелли (700,0 г) колонкада ажратилди. Бунда заррачаларини ўлчами 0,1-0,25 мм бўлган КСК маркали силикагелдан фойдаланилди. Колонкадаги липофил ва смоласимон моддалар ҳар хил нисбатдаги қуйидаги эритувчилар аралашмаси қўлланилди:

1. бензин-хлороформ 65:35
2. бензин-хлороформ 60:40
3. бензин-хлороформ 80:20
4. хлороформ.

Тажрибалар қуйидагича олиб борилди: силикагелли колонкага куруқ қолдиқ (130,0 г) солинди ва бензин-хлороформнинг турли нисбатидаги аралашмаси билан ювилди. Элюат фракциялари 500 мл дан йиғилди ва ҳар бирини алоҳида «Silufol» плстинкасида хлороформ - бензол - метанол (9:1:1) системасида юпқа қаватли хроматография усулида сифати текширилди. Бунда платинкага яхши кўриниш учун аммиак буғи пуркалди. Формонетин сақлаган фракциялар йиғилди ва бирлаштирилиб, қурилди. Натижалар 2-жадвалда келтирилган.

№36-85 рақамли фракциялар хлороформ билан ювилди, бунда 3,17 г техник формонетин, 2,33 г формонетин ва хризоеиол аралашмаси олинди.

2-жадвал

Элюатнинг фракцион таркиби

Фракция-лар №	Таркиби	Олинди, хом ашё оғирлигига нисбатан, %
1-6	Пигментлар, рангли моддалар	-
7-20	Липофил и смоласимон моддалар	1,43
21-35	Техник лютеолин	1,83
36-70	Формонетин ва хризоеиол аралашмаси	2,33
71-85	Техник формонетин	3,17

Меъёрий техник ҳужжатлар талабларига жавоб берадиган формонетин стандарт намунасини олиш мақсадида техник флатеронни кристаллизация усулида тозалаш жараёни ишлаб чиқилди.

